

Farg'ona haqiqati

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

t.me/farhaqiqati

http://farhaqiqat.uz/



“ЯНГИ ҚЎҚОН”

Янгиликлари

Қўқон шахрига нисбат берилганида, қўқна ва навқирон деган ибора ишлатилади. Қўқон Буюк ипак йўлидаги қадимий савдо марказларидан бири экани маълум. Навқиронлиги эса у янги, замонавий бинолар энг кўп қад ростлаган шаҳар эканидир.

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” дастуридан “Янги Қўқон” мавзеси деб ном олган собиқ ёғ-мой комбинати ўрнида 84 та 10-16 қаватли уйлар бўй чўзяпти. Қурилиши бошланганига ҳали бир йил бўлмадику, аммо олди бинолар Ўзбекистон мустақиллигининг 34 йиллиги арафасида тайёр ҳолатда аҳолига топширилади.

Хўш, “Янги Қўқон”да нималар бўлади?

– Болалар кутубхонаси, ёшлар мажмуаси, кўнгилчолар аттракционлар, оилавий дам олиш

учун хиёбон ва сайилгоҳ ташкил қилиняпти. 1990 ўринли замонавий ихти-созлашган мактаб, болалар мактабгача таълим ташкилоти қуриляпти, – дейди Фарғона вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси бошлигининг ўринбосари Авазбек Мадаминов.

– Бу ёнда Қўқон давлат университетининг биноси бўлади. Унинг ёнида эса 5 қаватли автомобиллар тураргоҳи бунёд этиляпти, чунки уй-жой мавзеси ҳудудда машиналар қатнови чекланган. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси ҳам лойиҳадан жой олган. Маълумки, Қўқон азалдан савдо ва ишлаб чиқарувчилар шаҳри. Шунинг учун мавзеда 16 ва 10 қаватдан иборат бизнес маркази бошланади.

“Янги Қўқон” мамлакатимизда ипотека-

нинг янги тизимига асос солмақда. Яъни, бу уйлар ўрнидаги маънан эскирган бинолар бадалини тadbirkor тўлаб, сўнг ўрнида қурилиш бошлаётгани йўқ. Уй-жой қурилиши ҳам тadbirkorнинг маблағига бунёд этилмаяпти. У давлат ва банкнинг янги муносабатлари асосида рўёбга чиқмоқда. Энди уйнинг эгаси тadbirkor эмас, унга ер олиш, иморат қуриш харажатларини ўз зиммасига олган давлат шерикчилигидаги банк. Уйлари ҳам банкларнинг ўзлари сотмоқда.

– “Узсановатқурилишбанк” АТБ мижозларга 20 йил бўлиб-бўлиб

тўлаш асосидаги имтиёзли кредит бўйича кириб яшаш учун тайёр қилиб қурилган уй-жойлар қалитларини Мустақиллик байрами арафасида топширади, – дейди “Узсановатқурилишбанк” АТБ Қўқон филиали ходими Исмоилжон Соҳибназаров. – Бу уйлар сифат жиҳатдан Европа меъёрларига мослаштирилган. Уларни нафақат қўқонликлар, балки атроф туманлар аҳолиси ҳам келиб сотиб олиш истагини билдирди.

“Янги Қўқон” мавзесидаги уй-жойлар, ижтимоий иншоотлар қурилиши ва улардан фойдаланишда қатор ўзига хос томонлари бор.

– Ўзбекистонда биринчи марта ҳар битта хонадонга ичимлик суви ва техник сув қувурларини олиб қиряпмиз, – дейди Авазбек Мадаминов. – Бу ичимлик сувини тежашни таъминлайди, қолаверса, сувдан фойдаланувчи маблағи тежалади. Чунки техник сув ичимлик сувига нисбатан анча арзон.

Этибор бердингизми, энди ҳар бир хонадонга иккитадан сув қувурлари киритилади. Бирда ичимлик суви, иккинчисидан кир ювиш, ҳаммом, ошхонада фойдаланилади. Бунақаси ҳалигача амалиётда учрамаган.

Биз “Янги Қўқон” билан танишайтганимизда Авазбек Мадаминов ийманибгина яна бир янгилик ҳақида гап очиб қолди.

– Ҳар битта хонадонни иситиш “Янги Қўқон” мавзесида махсус қурилган марказий қозонхонадан амалга оширилади. Бундан ташқари, хонадонлардаги иситиш панеллари – радиаторларни электр тармоғига улан-

диган мутлақо янги шаклини буюртма асосида тайёрлатдик. Марказий иситиш тизимида тасодифан бирон муаммо чиқиб қолса, уни бартараф этгунча уй эгаси ўзига керакли хоналарни радиаторни электр тармоғига улаш орқали иситаверади.

Шундай қилиб “Янги Қўқон” уйлари ҳар қандай шaroитда ҳам бирдек иситилишига кафолат берилляпти.

Умуман, бундай қурилиш тизими, уй-жой инфратузилмасидаги илғор ишланмалар уй-созликда янги саҳифа очмоқда.

Муҳаммаджон ОБИДОВ.
Элёр ОЛИМОВ олган
суратлар.

Тушуниш ҳақида ўйлар



Аҳмаджон МЕЛИБОВ,
“Жаҳон адабиёти”
журнали бош
муҳаррири,
Ўзбекистон
Республикасида
хизмат кўрсатган
журналист

УМР – ИККИ ҚИСҚА ЧИЗИҚ ОРАСИ

ТАНИҚЛИ ШАРҚШУНОС ОЛИМ, АКАДЕМИК НЕЪМАТИЛЛА ИБРОҲИМОВНИНГ ҚУТЛУҒ ЁШИ САБАБ, У КИШИ ҲАҚИДА БИР НИМА ҚОРАЛАШГА ЖАЗМ ҚИЛДИМ. ЧУНКИ, АНЧАДАН БЕРИ ТАНИЙМАН, КЎП БОР СУҲБАТДОШ БЎЛГАНМАН. ДАСТЛАБКИ САТРЛАР ҚОҒОЗГА ТУШИБ-ТУШМАЙ, НЕГАДИР ҲАЁЛИМ ЧАЛҒИДИ, УСТОЗ ЭРКИН ВОҲИДОВ АЙТИБ БЕРГАН БИР МУҲИМ ГАПНИ ЭСЛАДИМ.



“Алихонтўра Соғуний домла иштирокида бир тўп зиёлилар ҳар ойда давра қуриб турардик. “Мулла билганими ўқийди”, деганларидек, ҳамма ўзича гап бошлар, суҳбатимиз баъзан фойдасиз баҳс, футбол, савдо-сотик, уй-жой юмушларига бурилиб кетарди. Бундан ажабланган домла бир куни менга: “Эркинжон, ҳаммалари мунаввар одамлар, беҳуда гап-бозлик қилгандан кўра, билмаганларини мендан сўрашмайди, билганимча айтиб бермайманми?”, деб қолдилар

ўқингандай бўлиб. Бу гапни дарҳол жўрабошимизга етказдим. Кейинги гал домлага бир-иккита савол беришни мўлжал қилдик. Белгиланган куни йиғилдик. Суҳбат бошланди, аммо... яна ўша эски мавзулар. Мен жўрабошимизга қарадим, у савол бериши керак бўлган дўстимизга қараб маъноли томоқ кирди. Ниҳоят, савол сўралди: – Домла, араб тилини яхши биларкансиз, араблар пиёгани нима дейди?

(Давоми 4-бетда).

ҚўқНА ШАҲАР ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛЬ ВА ФОРУМГА МЕЗБОНЛИК ҚИЛАДИ

Ўзбекистон ҳунармандчилик намуналари дунёнинг энг нуфузли музейларидан жой олган. Айниқса, ёғоч ўймакорлиги, қулолчилик, зардўзлик маҳсулотлари машҳур. Шунинг учун ҳам илк бор 2019 йилда Қўқонда I халқаро ҳунармандчилик фестивали ўтказилганида, дунёнинг 60 га яқин давлатидан нафис санъат усталари келган эди. Иккинчи фестиваль ҳам иштирокчиларнинг кўпчилиги, дунёнинг энг танилган усталари қатнашгани билан тарихда қолган. Мана энди Қўқон ва Риштон навбатдаги фестиваль ҳамда форумга ҳозирлик кўрмоқда.



–80 та мамлакатдан 250 га яқин хорижий иштирокчилар келиши кутилмоқда. Фестиваль доирасида кўргазмалардан ташқари, илмий-амалий конференция, маҳорат дарслари, халқ сайиллари ўтказилади, – дейди “Хунарманд” уюшмаси раиси Расулжон Мирзаахмедов. – Фестивалда ёғоч ўймакорлиги, қандакорлик, темирчилик, заргарлик, қулолчилик ва тўқувчилик йўналишларида алоҳида танловлар ҳам ташкил этилади.

2023 йилда Риштонда I халқаро қулоллар фестивали ташкил этилди. Бу йил 19-21 сентябрда Риштон дунё қулоллари пойтахтига айланади. Ҳозирданок Америка, Япония,

Хитой каби қулолчилик мактаби ривож топган мамлакатлар вакиллари фестивал ва форумда иштирок этишларини тасдиқлади.

– Хунармандлар онлайн анкета топириш йўли билан иштирок этиш учун рўйхатдан ўтмоқда. Улар ташкилий қўмита томонидан кўриб чиқилади, – дейди Расулжон Мирзаахмедов. – Шунингдек, фестивалга хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда туризм соҳаси агентликлари ҳам таклиф этилган. Фестивални кузатиш учун минглаб сайёҳлар келиш истагини билдиряпти. Уйлаймани, фестиваль орқали биз миллий маданиятимиз ва тарихимизни намойиш этамиз.

Ўз мухбиримиз.

МАКТАБЛАР ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАЙЁРМИ?

УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ ОЛДИДАН АМАЛГА ОШИРИЛА-ЕТТАН ҚУРИЛИШ ВА ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ИСЛОХОТЛАР ҚАНЧАЛИК ИЗЧИЛ ВА КЕНГ ҚАМРОВЛИ ЭКАНЛИГИДАН ДАЛОЛАТ БЕРМОҚДА.



Кўштепа тумани мактабгача ва мактаб таълими бўлимига қарашли 48 та умумий ўрта таълим мактабларида ҳозирги кунда жорий таъмирлаш, реконструкция ва қурилиш ишлари олиб борилаётган. Жўмладан, бешта мактаб “Ташаббусли бюджет” асосида молиялаштирилган

лойиҳалар бўйича мукаммал таъмирланмоқда ва қўшимча бинолар қурилмоқда. Бу – аҳоли иштирокида шаклланган, жамоатчилик фикрини инобатга олган ҳолда амалга оширилаётган ишлар намунасидир.

(Давоми 3-бетда).

Эл дастурхонига

ФАРҒОНА АСАЛИ ширадор ва шифобахш неъмат



ХАЛҚИМИЗ МИНГ ДАРДГА ДАВО БЎЛУВЧИ АСАЛГА “ОИЛА ТАБИБИ” ДЕБ ТАЪРИФ БЕРГАН. ДУНЁДА ЎХШАШИ БЎЛМАГАН БУ БЕБАҲО МАҲСУЛОТНИНГ ИНСОН ОРГАНИЗМИГА ФОЙДАСИ ҲАҚИДА ГАПИРИШГА ҲОЖАТ ЙЎҚ. АСРЛАР ДАВОМИДА РИВОЖЛАНИБ, ТАКОМИЛИГА ЕТГАН АСАЛАРИЧИЛИК БОРАСИДА ФАРҒОНА МАКТАБИ ЯРАТИЛГАН.

Асал маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнларини тизимли ташкил этиш, асалари пакетлари етиштириш ва унинг озуқа базасини мустаҳкамлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, асал етиштириш жараёнига илмий асосланган усуллар ва замонавий технологияларни жорий этишда вилоят Асаларичилар уюшмаси томонидан олиб борилаётган ишлар таҳсинга сазовор.

(Давоми 3-бетда).

ФУРҚАТ ТУМАНИ:**Яшил келажак сари муҳим қадам**

ЧИҚИНДИДАН КЎМИР БРИКЕТИ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ

ФУРҚАТ ТУМАНИДА КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИНING "KOREA INVESTMENT AND SECURITIES" КОМПАНИЯСИ ТОМОНИДАН ЛОЙИХА ҚИЙМАТИ 100 МИЛЛИОН АҚШ ДОЛЛАРИ БЎЛГАН "БИО ПЕЛЛЕТ (БРИКЕТ) ИШЛАБ ЧИҚАРИШ" ЛОЙИХАСИ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ. БУ БЎЙИЧА 2024 ЙИЛ ИЮНЬ ОЙИДА ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ВА ФУРҚАТ ТУМАНИ ҲОКИМЛИКЛАРИ ҲАМДА КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИНING "KOREA INVESTMENT AND SECURITIES", "KOREA INSTITUTE FOR CLIMATE CHANGE" ВА "KOREA WESTERN POWER" КОМПАНИЯЛАРИ ЎРТАСИДА МЕМОРАНДУМ ИМЗОЛАНГАН.

Дастлаб иш шундай бошланди: инвесторлар тумандаги қишлоқ хўжалиги чиқиндиларидан брикет маҳсулоти ишлаб чиқариш техник шартларга мос келиш-келмаслигини аниқлаш мақсадида ғўзапоя, ёғоч чиқиндилари, дарактлар (оқ ва Калифорния теракла-ри, тол, тўранғи)дан намуна олиб, Корея лабораторияларида синовдан ўтказдилар ва улар брикет ишлаб чиқариш лойиҳаси параметрларига мос келиши аниқланди.

Сўнгра умумий қиймати 3 миллион АҚШ доллари бўлган лойиҳа ишлаб чиқилди. Унинг биринчи босқичида биочикиндилардан брикет ишлаб чиқаришни амалга ошириш режалаштирилган бўлса, кейинчалик қарийб 100 миллион доллар қийматдаги маҳсулот ҳисобидан энергия ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилди. Жараёнларда 100 дан ортиқ иш ўрни яратиш ҳам мўлжалланган.

Туманда махсус иқтисодий зона ташкил қилиш учун 52,4 гектар ер майдони зарур эди. Танланган майдон қишлоқ хўжалиги ерлари тоифасига кирганлиги боис, унинг тоифасини ўзгартариш бўйича таклиф киритилди. Шу тариқа кенг қўламдаги ишлар авж олди.

Таъкидлаш жоизки, истиқболли лойиҳа амалга оширилиши натижасида Фурқат туманининг иқтисодий салоҳияти ошади, ёшлар ва ишсизлар учун янги иш ўринлари яратилади, энергия манбаларини диверсификация қилиш имконияти юзага келади. Энг асосийси, чиқиндиларни назоратли қайта ишлаш орқали табиатга етказилидиган зарар бироз бўлса-да камаяди ва яшил келажак сари муҳим қадам қўйилади.

— Бизнинг асосий мақсадимиз — чиқиндидан самарали фойдаланиш орқали экологияни ҳимоя қилиш ва аҳолига қулай, тоза энергия манбаи етказиб беришдир. Урганишларимиз шуни кўрсатдики, Фурқат туманида жуда катта миқдорда қишлоқ хўжалиги чиқиндилари ҳосил бўлади. Уларни далада ёкиб юбориш ўрнига, брикет шаклида ёқилғига айлантириш икки томонлама фойда келтиради: чиқинди камаяди ва аҳоли сифатли ёқилғи билан таъминланади, — дейди Корея атроф-муҳит ўзгариши институти вице-президенти Yongwon Shin.

Маълумот ўрнида келтирадиган бўлсак, туманда 6 минг 800 гектар пахта майдонига чигит экилган. 1 гектар пахта майдонидан ўртача 1 000 боғ ғўзапоя чиқади. 1 боғ ғўзапоя оғирлиги ўртача қуруқ ҳолатда 7 килограмми ташкил этади. Худудда йилига жами 48 минг тонна ғўзапоя етиштирилади. Шунингдек, туманда 264 нафар якка тартибдаги тадбиркорлар ёғочга қайта ишлов бериш фаолияти билан шуғулланади. Ўртача ҳисоблаганда, бир тадбиркорда йилда 100 тонна, яъни 26 минг тоннагача ёғоч чиқиндиси йиғилиши мумкин. Туман бўйича 76,5 минг тонна ёғоч чиқиндиси тўпланиши аниқланди.

— Ўн йилдан буён ёғочни қайта ишлаш билан шуғулланаман, — дейди тадбиркор Шухратжон Кўзиев. — Ёғочдан чиқадиган чиқиндилар катта жой эгаллагани сабабли қўшимча юк ва оврагарчилик келтириб чиқаради, янги корхона ишга тушса, бу муаммо ҳал бўлади деган умиддаман.

Қолаверса, туманда супургичилик жадал ривожланган бўлиб, йилига ўртача 2500 тонна чиқинди йиғилиши ҳисоб-китоб қилинган. Бундан ташқари, қўшни Бешарик туманида 12 минг гектар, Ўзбекистон туманида 5,5 минг гектар, Данғара туманида 10 минг гектар пахта майдонларида ғўзапоя етиштирилади. Ғўзапоя ва бошқа дарахт чиқиндилари 269 минг тоннани ташкил қилади.

Бугунги кунда дунё бўйлаб энергия манбаларини тежаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндиларни қайта ишлаш масаласи долзарб аҳамият касб этаётган бир пайтда Фурқат туманида йўлга қўйилаётган чиқинди маҳсулотларидан кўмир брикети тайёрлаш лойиҳаси нафақат маҳаллий иқтисодиёт ривожига, балки экология муҳофазасига ҳам катта ҳисса қўшади.

Ҳа, эндиликда далаларда қолиб кетадиган қишлоқ хўжалиги ҳосили чиқиндилари аҳоли учун муҳим бўлган энергия манбаига айлантирилади. Бу эса чиқиндини қайта ишлашнинг энг самарали ва замонавий йўлларида биридир. Мутахасссларнинг фикрича, қишлоқ хўжалиги чиқиндиларининг далаларда ёқилиши нафақат тупроқ унумдорлигига зарар етказмади, балки ҳавога захарли моддалар тарқалади. Бу инсон саломатлигига ҳам жиддий ҳавф туғдиради. Брикет ишлаб чиқариш орқали эса чиқиндилар фойдали маҳсулотга айлантирилади.

Иккинчи муҳим жиҳати — иқтисодий ўсиш. Маҳаллий аҳоли учун янги иш ўринлари яратилади, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи фермер хўжаликлари учун эса қўшимча даромад манбаи юзага келади. Брикетлар кўмир ёки бошқа ёқилғи ўрнини босиб, аҳолига янада қулай ва тоза энергия манбаи сифатида хизмат қилади.

Кўмир брикетлари қаттиқ ёқилғига қараганда экологик жиҳатдан тоза ҳисобланади. Улар тутун ва зарарли газлар чиқишини камайтиради, иссиқлик бериш қуввати эса табиий кўмирга тенглашади. Шу сабабли Фурқат туманида ишлаб чиқариладиган брикетлар нафақат маҳаллий аҳоли эҳтиёжини қондиради, балки чет давлатларга экспорт қилиш имконини беради.

**Дурдона ҒОҒҒОРОВА,
ўз муҳбиримиз.**

ОСИЁ ВА ЕВРОПА МУЗЕЙЛАРИДА РИШТОН КУЛОЛЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ САҚЛАНМОҚДА

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 19–21 СЕНТЯБРЬ КУНЛАРИ ҚЎҚОН ШАҲРИДА III ХАЛҚАРО ҲУНАРМАНДИЛИК ФЕСТИВАЛИ ҲАМДА УНГА УЙҒУН ҲОЛДА РИШТОН ТУМАНИДА II ХАЛҚАРО КУЛОЛЧИЛИК ФОРУМИ БЎЛИБ ЎТАДИ. УШБУ НУФУЗЛИ АНЖУМАНЛАР ДОИРАСИДА ИШТИРОКЧИЛАР РИШТОНЛИК КУЛОЛЛАР МАҲСУЛОТЛАРИДАН ИБОРАТ КЎРГАЗМА БИЛАН ТАНИШИШ ИМКОНИЯТИГА ЭГА БЎЛАДИЛАР. МАШҲУР УСТАЗО-ДАЛАР БИЛАН МУЛОҚОТДА БЎЛИШАДИ, МАҲОРАТ ДАРСЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ, МАДАНИЙ-КЎНГИЛОЧАР МАСКАНЛАР ВА ТУРИСТИК ЙЎНАЛИШЛАРИ БЎЙЛАБ САЁҲАТЛАР УЎШТИРИЛАДИ.

Риштон Марказий Осиёда дон-ғи чиққан кулолчилик маркази ҳисобланади. Маҳсулотлар тайёрланиш услуби, безаги, бой шакллари, сирри, пишиқ-пухталиги билан

ажралиб туради. Туманининг машҳур кулолларидан бири Алишер Назиров нақошчи уста сифатида танилган. У 12 ёшидан ушбу сермашаққат ҳунарни ўрганишни бошлаган.

Риштон кулолчилигининг кўплаб ютуқлари унинг номи билан боғлиқ. Билим ва тажрибасини бойитиш мақсадида Японияда малака оширган, хорижий кўргазмаларда иштирок этган. “Ташаббус” Республика халқ ҳунармандчилиги танловида кўп бор ғолиб бўлган.

“Ҳунариман” халқ ҳунармандчилиги ассоциацияси туман бўлимини бошқарган. 1998 йилда Риштонда ёш кулол-усталар тайёрлаш мактабини очган ва ҳозирги кунгача маҳоратли кулоллар тайёрлашга ўз хиссасини қўшиб келмоқда.

Уста кулол ишлаб чиқараётган маҳсулотларда ортиқча безакларни учратмайсиз. Улардаги бўёқлар буюм

жилосини йўқотмайди. Айтишларича, лойга юрагининг бир бўлагини ҳам қўшиб қоради. Ҳар доим ўз устида ишлайди, ҳеч қачон янги технологияларни ўрганишдан тўхтамайди. Унинг ва туман кулолларининг асарлари ўз уй-музейи, Ўзбекистон ва қўшни республикалардан ташқари, Россия, Япония, Франция, Англия, Германия каби Осиё ҳамда Европа давлатлари музейларида сақланмоқда.

— Кулолчилик санъати қадимий ҳунардан, — дейди у. —

Бу ҳунар билан оилавий шуғулланамиз. Биз тайёрлаган маҳсулотлар сифати билан ажралиб туради. Ҳозирда 30 нафарлар ортиқ шоғирдим бор, улар билан тайёрлаган сувенир ва сопол идишлар харидоргир.

**Ҳотам МАМАДАЛИЕВ
олган сурат.**



Алишер Назировнинг шоғирдларидан — наманганлик Севара ва Нурбек Ҳотаммирзаевлар Риштон ва Ғурумсарой кулолчилик анъаналарини ўрганган ҳолда, Аҳсикент кулолчилик мактабини тиклашга бел боғлашган. Улар шу мақсадда вилоятнинг Янгиқўрғон туманидаги ўзлари истикомат қилаётган хонадонда кулолчилик устaxonасини ташкил этдилар.

Аёллар тадбиркорлиги

Интиланганлар — етар муродга

СЎНГИ ЙИЛЛАРДА МАМЛАКАТИМИЗДА ФАОЛ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВATЛАНАЁТГАН АЁЛЛАР ТАДБИРКОРЛИГИ СЕЗИЛАРИ ДАРАҲАДА ОШДИ. БУНГА ТОШЛОҚЛИК НАРГИЗА ЧЕВАРНИНГ ФАОЛИЯТИ МИСОЛДИР.

Наргизанинг болаликдан би-чиш-тикишига қизиқиши баланд эди. Мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ тиккан либослари синфдош дугоналарининг ҳавасини келтирар, “Чеварликка тўғма қобилиятинг бор-да”, деб қўйишарди. Улғайгач, ундаги бу меҳр касбга айланди. Эндиликда кўлида жило топган замонавий урфдаги кийим-кечаклар республикаимиз бозорларида харидоргир бўлиб улгурди.

Бундан тўрт йил аввал у ишини ўз хонадонидан, учта тикув машинаси ва беш-олти нафар шу соҳага иштиёқи бўлган шоғирд қизлар билан бошлади. Буюртма асосида аёллар ва болалар кийимлари, ғилоф ва чойшаблар тикиш билан машғул бўлишди.

— Йигирма беш йилдан бери чеварлик қилиб, кам бўлмадим. Ми-жозларим дидига мос кийимлар тикиб, улар қалбига қувонч улашдим, кексалар дуосини оялман, — дейди Наргиза Отажоновна. — Ўтган йили банкнинг 100 миллион сўмлик кредити ҳисобига 10 та тикув машинаси харид қилдим. Тошлоқ туман марказидан ижарага бино олиб, тикувчи-

лик цехи очдим, тўрт нафар қизларни иш билан таъминладим. Олти нафар шоғирд қизлар цехда касб сирларини кўнл билан ўрганмоқда. Мадина Абдуллаева, Диёра Маҳмадова сингари олти нафар шоғирдларим аллақачон мустақил иш бошлаб, улар ҳам шоғирдлар тайёрлашмоқда.

Бугун Наргизанинг цехида тайёрланган кийимлар, келин сеплари, пардалар, стол-стул ғилофлари, дастурхонлар маҳаллий бозордан ташқари, буюртма асосида Бухоро, Тошкент ва Самарқанд вилоятларидаги миқозларга етказиб берилаяпти. Ўтган йили қўли гул чеварлар тиккан маҳсулотлар ҳажми 100 миллион сўмдан ортиқни ташкил этди. Жорий йилда бу кўрсаткични икки баравар оширишни мақсад қилишган.

— Бу ерда ишлаётганимга бир йил бўлди. Фаолиятим давомида касбий маҳоратим ошиб, ишни тез ва сифатли бажарадиган бўлдим. Бу жуда муҳим. Чунки бизда ишбай ҳақ тўланади. Қанча кўп ва сифатли маҳсулот тайёрласам, иш ҳақим ҳам шунга яраша бўлади. Ўзим қизиққан соҳада, доимий даромадли иш билан таъминланганимдан хурсандман. Назокат Ота-

жоновна, Фотима Абдуллаева, Гулшаной Воҳидова сингари касбдош дугоналарим билан буюртмаларни ўз вақтида ва миқозларимиз хоҳишига қараб бажариш ҳаракатидамиз, — дейди чевар Моҳидил Маҳмадова.

— Биз тайёрлаган маҳсулотлар мамлакатимиз бозорлари билан чекланиб қолмасдан, жаҳон истеъмолчиларига етиб боришини истаймиз, — дейди Наргиза Отажоновна. — Шу мақсадда, Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон ва бошқа хорижий давлатлар бозорларига чиқишни мақсад қилганмиз. Шунингдек, фаолиятимизни кенгайтириш, тикув машиналари сонини ва иш ўрнини кўпайтириш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, жаҳон андозалари даражасида, замонавий урфларга ҳамохан маҳсулотлар тайёрлаб, экспорт қилиш учун изланишларимизни давом эттирялмиз.

Яқин вақт ичида Наргиза ва унинг чевар қизлари тиккан кийим-кечаклар, истеъмол буюмлари дунё бозоридан ҳам шуҳрат қозонса, ажаб эмас. Халқимизда “Интиланганга — толе ёр” деган нақл бежизга айтилмаган.

Б. АБДУЖАЛИЛОВ.

“12 ЁШИМДА ЭТАГИМДА ТУПРОҚ ТАШИГАНМАН”

**ДЕЙДИ ҚУВАСОЙЛИК
МЕҲНАТ ФАХРИЙСИ,
97 Ёшли ШАРОФАТ ОНА
ҚАМЧИЕВА**

Бизни онахоннинг кенжаси — олтимаш ёшли Ашурали ака кутиб олди. Зина бўйлаб ичкари уйга кирдик. Кичик жуссали, баракатлари чакқон, тиллари бурро онахон самимий калом билан кутиб оларкан, узундан-узок дуо қилди. Шу кунларда кўзи яхши илғай олмаётганидан шикоят қилиб, узрини айтди.

Сўхбатимиз Катта Фарғона канали қурилиши ҳақида борди. Тарихий воқеанинг бевосита гувоҳи ва иштирокчиси бўлган Шарофат она ўтган кунларни хотирлаб, беихтиёр болалигимга қайтди.

Қизлар билан маҳаллада ўйнаб юргандик. Жарчилар Фарғона канали қазилаётгани, унга катта-ю кичик жалб этилгани, агар кўнгилчилар бўлса, ёрдамга боришларини эълон қилиб ўтишди. Кўп ўтмай айтилган манзилга келдик. Катта ёшлиларга меҳнат куроли сифатида замбар, катта-кичик жом беришди. Улар қаторида мен тенги “ҳашарчи”лар қўйлагимиз этагига тупроқ солиб юқорига чиқарардик. Ҳозир айтганларим кулгули туюлиши мумкин, лекин ўша пайтда “арғамчиға қил қувват” эди. Шу алфозда анча кун ишлаб қўйдик. Атрофда катта дошқозонларда овқатлар пиширилиб, тандирлар тўла нон ёпиладди. Бир муддат бўш бўлсак, болалигимизга бориб, қувлашмачоқ ўйнардик, кейин тошшағал илма-тешик қилиб юборганидан ямоқ солинган қўйлагимизга яна тупроқ таширдик. Биз вояга етмаган бўлсак-да, ўз ихтиёримиз билан ота-оналаримизга ёрдам берардик.

Кўп ўтмай Иккинчи жаҳон уруши бошланди. Мен маҳалладошларим билан

фронт ортидаги меҳнатга отландим, далада ишладим. Колхозда сут соғувчи бўлдим, бўғдой ўримида катнашдим. Ўша йилларда фронтдагиларга кийим-кечак, озиқ-овқат етказиб бериш учун ҳамма бир тану бир жон бўлиб ишларди. Шарофат она 1949 йилда Фарғона шахрининг Бешбола маҳалласига келин бўлиб тушган. Бирин-кетин беш фарзандли бўлишган. Тақдир тақозоси билан Қувасой шахридан уй-жой қилишди. Онахон кўп йиллар Қувасой ғишт заводида ишлади, шу ердан пенсияга чиқди. Бугун 14 неварга, 33 эвара ва 4 чеваранинг суюкли момоси, хонадоннинг фарришаси, пиру бадавлати бўлиб, тўрини тўлдириб ўтирибди.

Сўхбат чоғида онахон даст ўрнидан туриб, бир қўти олиб чиқди. Унда Иккинчи жаҳон урушининг бир неча юбилей медаллари бор эди. Шунингдек, ташаккурномалар, фахрий ёрликларни Шарофат она кўз қорачиғидай асраб-авайлаб келар экан.

— Ўтган кунлар ўтди, қийинчиликни

ҳам кўрдик, яхши кунларни ҳам. Мана дориламон кунларда яшаяпмиз. Элда азиз бўлдим. Ўртбошимиз соғ бўлсин, бизга шундай иззат-икром кўрсатаяпти, — дейди онахон қўлларини дуога очиб.

Шарофат она бизни дарвоза оstonасигача кузатиб чиқди. Илқ хайрлашди. Узоқ гаплашиб ўтирадиган бўлиб келишимизни сўради.

— Онам туфайли хонадоним файзли, яхши ниятли инсонлар билан тўла, — дейди Ашурали ака.

Бу хонадонга қўлларнинг ҳаваси келади, дарвозаси эрта-ю кеч очик, ҳали у, ҳали бу қўшни, қариндош-уруғ табарруқ онахонни йўқлаб туради, биз каби меҳмонларнинг кети узилмайди. “Қариси бор уйнинг париси бор”, деб шунга айтсалар керак-да. Хонадондан узоқлашар эканмиз, онахоннинг дуосини олишга келаётган бир ғуруҳ аёлларга кўзимиз тушди.

**Маҳиёра
БОЙБОБОВА.**



Сўх туманида:

Мустақиллик байрамига ЯНГИ ИНШООТЛАР

Қишда лой, ёзда ЧАНГ КЎЧАЛАР ҚОЛМАЙДИ

СЎХЛИКЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 34 ЙИЛЛИГИНИ
ЯНГИ ҚУРИЛГАН ИНШООТЛАРНИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИШ БИЛАН КУТИБ ОЛЯПТИ.



Хушёр маҳалласи кўшни давлат ҳудудига туташиб кетган. Бу ердаги 28-мактабда қишлоқнинг 245 нафар фарзандлари таълим олади. Мактаб биноси кўркам, синф хоналари кенг, ёруғ. Спорт зали ҳам мавжуд. Аммо унинг замонавий футбол майдони йўқ эди. Энг улуғ ва энг азиз байрамимиз арафасида барча қўлайликларга эга усти ёпик ёзги футбол майдончаси ўқувчи ва ўстозлар жамоасига топширилди. Ундан таътилдаги ўқувчилар фойдаланиши бошлади.

— Спорт майдончасидан нафақат мактаб ўқувчилари, балки ушбу ҳудудда яшайдиган фарзандларимиз, аввало уюшмаган ёшлар самарали фойдаланишини ташкил этамиз, — дейди мактаб директори **Дониёр Ҳақимов**. — Келгусида бу ерда режалли равишда турли мусобақалар ўтказилади.

Мактаб раҳбари аини чоғда ташкилотчи ҳам экан. Бир неча йил аввал мактаб ҳудудида боғ яратди. Ундан олинган даромад ҳисобидан

ўқувчиларга бепул тушлик берилишини ташкил қилди. Мана энди унинг ташаббуси ва саяҳаракати билан янги стадион пайдо бўлди.

Сарибозорча маҳалласи ахли ҳам байрам арафасида муносиб совға оладиган бўлди. Гап шундаки, маҳаллада 2202 нафар аҳоли, шундан 300 дан зиёд мактабгача ёшдаги болалар бор. Аммо маънан эскирган бир қаватли, 90 ўринли эски боғча биноси бўлган ҳолос. Аҳолининг ҳақли талаби қаноатлантирилди. Сарибозорча маҳалла фуқаролар йиғинида замонавий лойиҳадаги 120 ўринли мактабгача таълим ташкилоти қуриб битирилмоқда.

— 25 та набирам, 4 та эварам бор. Боғчада жой йўқлиги учун уларнинг кўпчилиги уйда қолган эди, — дейди меҳнат фахрийси **Майрамхон Алибоева**. — Халқ талабини қондираётган давлатимизга алоҳида миннатдорлик билдирмоқчиман. Маҳалламизда янги, жуда чиройли боғча қурилмоқда. Худодо хоҳласа, невра-эвараларим мана шу боғча тарбияланувчиси бўлади.

СЎХ СЎЛИМ ВА ГЎЗАЛ ТАБИАТИ БИЛАН БОШҚА ҲУДУДЛАРДАН АЖРАЛИБ ТУРАДИ. ЯНА БИР МУҲИМ ЖИҲАТИ, У АНҚЛАВ ҲУДУДДА ЖОЙЛАШГАН. МАМЛАКАТНИНГ БОШҚА ЖОЙЛАРИ БИЛАН БОҒЛАНИШДА МАЪЛУМ РАСМИЯТЧИЛИКЛАР, БАЪЗИДА МУАММОЛАР ҲАМ УЧРАБ ТУРАДИ. ШУНИНГ УЧУНИМИ, СЎХ ВА СЎХЛИКЛАР ҲАМИША ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИНИНГ ЭЪТИБОРИДА. СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ, ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА КВОТАЛАР, ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ КАБИ ДАСТУРЛАР АМАЛДА. СЎНГГИ ЙИЛЛАРДА ЭСА БУНЁДҚОРЛИК, ОБОДОНЛАШТИРИШ ИШЛАРИГА КАТТА МАБЛАҒ АЖРАТИЛДИ. АҲОЛИНИ ТОЗА ИЧИМЛИК СУВИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ, ИЧКИ ЙўЛЛАРНИ ТАЪМИРЛАШ, СИМЁҒОЧ УСТУНЛАР ВА ТРАНСФОРМАТОРЛАРНИ ЯНГИЛАШ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА АЛОҲИДА ЛОЙИҲА ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН.



— Бу йил туманда 15 километр ички йўллар асфальтланиши режалаштирилган, — дейди туман йўл ва кўприк бўлими бошлиғи **Ҳафиз Қўлдошев**. — Аслида барча ички йўллар ўтган йили асфальт қилинган эди. Ҳозирда чет жойларда қўлиб кетган ёки янги очилган ички йўллари тартибга келтирялмиш. 3 километрдаги ишлар якулланди. Гулистон, Сариканда, Новобот маҳаллаларидаги ички кўчалар асфальт қилинди.

Сариканда маҳалласида ҳам асфальтланмаган ички кўчалар бор эди. Мана энди четдаги, тоғ-адир этагига туташ кўчаларга техникалар келиб, зарур қалинлик ва кенгликда, лойиҳа

асосида асфальт қопланяпти. Бундай тезкор ва сифатли, яъни иссиқ асфальт ётқишишда Сўхнинг ўзида ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этилгани қўл келмоқда.

Бу ишлардан аҳоли жуда мамнун.

— Анорбоғ кўчасида 40 йилдан буён яшайман, — дейди меҳнат фахрийси **Малика Шомуродова**. — Мана йўлимиз раво бўлди. Болаларимиз бемалол боғча, мактабга бориб келмоқда. Илгари бу кўчалар ўнқир-чўнқир эди. Қишда лой, ёзда чанг бўларди. Президентимизга минг раҳмат. Биз сўхликлар улардан жуда миннатдоримиз.

— Кўчаларимиз обод бўлди. Электр симлари, трансформаторлар янгиланди. Энди эса асфальт қилишяпти. Кувончимизнинг чеки йўқ, — дейди маҳалла фуқароси **Дилором Шомуродова**.

Мамлакат мустақиллигининг 34 йиллиги арафасида Сўх туманида ободонлаштириш ва қурилиш ишлари янада авж олган.

Сарвар ОБИД.
Элёр ОЛИМОВ олган суратлар.

Эл дастурхонига

ФАРҒОНА АСАЛИ ширадор ва шифобахш неъмат

(Бошланиши 1-бетда).

Асаларичилик ҳўжаликлари фаолияти самарадорлигини ошириш, асал маҳсулотлари ҳажми ва турларини кўпайтириш, ёш асаларичилар тайёрлаш ва малакасини оширишга уюшманинг ўқув ишлаб чиқариш маркази салмоқли ҳисса қўшмоқда. Соҳани янада ривожлантиришда мутахассис кадрлар тайёрлаш, асалари касалликлари ва зараркундаларига қарши курашда қўлланадиган ветеринария дори воситалари ҳамда препаратлари билан таъминлашни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари олиб боришмоқда.

Асаларилар қишлоқ ҳўжалик экинзорлари, мевали боғларни чанглатиши эвазига вилоят деҳқон ва соҳибкорларига катта манфаат келтирмоқда. Уюшма берган маълумотларга қараганда, вилоятимизнинг 2000 та асаларичилик субъектлари томонидан 130 минг асалари оилалари парвариш қилинмоқда. Иккита наслчилик фермер ҳўжалиғи фаолият олиб бормоқда. Халқимиз дастурхонига ўтган йили 2000 тоннадан ортиқ шифобахш асал ва асал маҳсулотлари етказиб берилди.

2024 йилда уюшма томонидан 104 минг 527 дона асалари пакети Қозғистон, Россия Федерацияси ва Қирғизистонга экспорт қилинди. Унинг асосий қисми — 79 минг 64 донаси Россияга ўқутилди. Асалари пакети экспорти йил сайин ошиб бормоқда. Масалан, ўтган йили 2020 йилга қараганда экспорт ҳажми 30 минг донадан зиёда кўпайди.

— Асаларичилик асбоб-ускуналари, дори маҳсулотлари, алмаштириш учун мумларда уюшмамизда етарли-ча мавжуд. “Қарпалаштириш” ишлари ҳам режага мувофиқ кетмоқда. Ўтган йили 30 мингдан кўпроқ она ари ғўмбаклари ва она ариллар тармоқ ҳодимларига тарқатилди, — дейди вилоят Асаларичилар уюшмаси раиси **Шерзод Сўяркулов**. — Асалари пакетларига бўлган талаб йил сайин ортиб бормоқда. Бизга ажратилган ҳудудда 12 хилдан ортиқ асал берувчи ўсимликлар парвариш қилинмоқда. Бундан ташқари, энг қўлай ва сифатли асал берувчи ўсимликларни излаб топиш, ҳудудимизда қўлайтириш бўйича изланишлар олиб бораёلمиз. Асалари қўтиларини ишлаб чиқариш ҳиддан ташқари яна қанди, мумларда, тикиш цехлари, ўқув-маслаҳат маркази, наслчилик ишлари бўйича лаборатория, чанглатиш йўналишида ташқиш ўтказиш ва асал берувчи ўсимликларни ўстириш бўйича тажриба боғлари фаолият кўрсатиб, соҳа ривожига учун хизмат қилимоқда. Уюшма раисининг айтишича, бу йил “Қамчик” доводиди асал нектари кам бўлди. Миришкор асаларичилар маҳсулот микдорини қамайтирмаслик мақсадида асалари уяларини Жиззах, Сурхондарё ва бошқа вилоятларнинг

чўл ҳамда тоғ ҳудудларига кўчиришни маъқул топишди.

Ҳар йили республика Асаларичилари уюшмаси томонидан Тошкент шаҳрида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “Асал байрами” тадбирларида фарғоналик 15-20 нафар асал етиштирувчилар ҳам фаол қатнашмоқда. Ўтган йил куз фаслининг сўнгги кунларида ҳар галгидек, Фарғона шаҳрида ўтказилган “Асал байрами”да 60 нафардан ортиқ асаларичилар, шу жумладан, 4 та фермер ҳўжалиғи томонидан ўн саккиз кун давомида истеъмолчиларга 30 тоннадан ортиқ шифобахш неъмат тортиқ этилди.

Вилоятимиз бол соҳиблари халқимизга шифобахш неъмат етказиб бериш билан бирга, хайр-саховат ишларини ҳам узлуксиз давом эттириб келишмоқда. Ҳар йили табиий тотли асал махсус идишларга жойланиб, вилоят ноғиронлар, кўзи оғирлар жамиятлари, “Мурувват” ноғирон болалар уйи, ноғирон болалар махсус мактаб-интернати, Фарғона шаҳар “Урмончилар” маҳалла фуқаролар йиғини ва шунга ўхшаш бошқа жойларга эҳсон тарқатилади.

— 2025 йилда амалга оширадиган вазифа ва режаларимиз бисёр, — дейди **Шерзод Сўяркулов**. — Асаларичилик соҳасини янада ривожлантириш, маҳсулот етиштириш ҳамжамини кўпайтириш, қалбаки ва арзон асал импорти билан курашиш, халқаро алоқаларни янада кенгайтириш, уюшмага аъзо бўлган асаларичилик фермер ва деҳқон ҳўжаликлари фаолиятига ҳар тарафлама қўмаклашиш ишлар жумласидандир.

Асаларичиликни интенсив усулда ривожлантириш, кўп қаватли уяларда парваришлаш, маҳсулотни қайта ишлаш ва қўшимча даромад олиш, касалликларни дала шароитида аниқлаш, асаларичиларни керакли асбоб-ускуналар, доридармонлар билан таъминлаш, маҳсулот савдоси ва қайта ишланган мумлар билан етарли даражада таъминлаш бўйича самарали ишлар олиб боришмоқда.

Фарғона водийсида асаларининг “қарпат” зотини мослаштириш бўйича наслчилик ишлари давом этмоқда. Бу йил Украинадан 400 дан ортиқ наслдор она ариллар олиб келинди. Асаларичиларнинг янги зоти — “карника” ва “бақфаст” маҳсулдорлигини ўрганиш, шу зотдан 100 та она ари олиб келиш режалаштирилган.

Вилоят асаларичилар уюшмасининг асаларилар ғўза ва бошқа қишлоқ ҳўжалиғи экинларида қимёвий ишлов берилиши натижасида захарланишининг олдини олиш, асалари пакетлари, оилалари ва маҳсулот экспортини қўпайтириш бўйича лойиҳалари, амалий изланишлари сифатли ва мўл бол етиштириш ҳамжамини йил сайин қўпайтириш, ҳар бир хонадонда асал истеъмоли микдорини ошириш, Фарғона асали довуғини дунёга ёйишга замин яратмоқда.

Абдужалил БОБОЖОНОВ.

(Бошланиши 1-бетда).

Бундан ташқари, Жаҳон банки маблаг асосида учта мактабда қурилиш ишлари олиб боришмоқда. Ушбу маблаглар сифатини яхшилаш, мактаб инфратузилмасини мустаҳкамлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Эътиборга молик жиҳатлардан бири шундаки, маҳаллий бюджет ва инвестиция дастурлари асосида етти

ўқувчиларимизнинг билим олиш муҳитини тубдан янгилайди, — дейди маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари **Сирожиiddин Уринбоев**.

“Қувурбоши” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 50-умумий ўрта таълим мактаби 1991 йилда бунёд этилган. Шу вақтгача фақат икки маротаба мукаммал таъмирланган бўлса, 2023 йилда катта ўзгариш юз берди. “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси доирасида

таълим муассасасида қўшимча ўқув бинолари, синфхоналар ва ёрдамчи иншоотлар барпо этиляпти. Бунинг натижасида таълим масканлари нафақат ташқи жиҳатдан, балки мазмунан ҳам янгиланмоқда.

Синфхоналар таъмирланиши ортдан қишлоқ мактабларида ҳам замонавий инфратузилма объектлари пайдо бўлди. Бу — ўқувчилар учун чўқур билим олиш, ўқитувчилар учун эса сифатли дарс ўтиш имкониятини яратди.

— Алоҳида режа-график асосида камчиликлар пухта ўрганиб чиқилгандан сўнг, зарурий чора-тадбирлар қўйилади. Натижада ҳудудимизда қўшимча коэффициент асосида, талабдан ортиқ сизимда фаолият юритувчи таълим муассасаси қолмади. Ҳар йили республика ва маҳаллий бюджет маблаглари ҳисобига қандаш бешта мактабнинг ўқув жиҳозлари янгиланади ёки таъмирлаш ишлари амалга оширилади. Таълим тизимига кўрсатилаётган бу каби ғамхўрлик келажақ эгалари учун талаблар даражасида билим олиш муҳитини яратишга хизмат қилимоқда, — дейди туман мактабгача ва мактаб таълими бўлими бош муҳандиси **Шўхратжон Усмонов**.

Тумандаги 5-умумий ўрта таълим мактаби бу йил “Ташаббусли бюджет” лойиҳасининг биринчи босқичида қўлиб бўлди. Лойиҳа доирасида ажратилган 1 миллиард 269 миллион сўм маблаг эвазига мавжуд синфхоналар таъмирланиб, замонавий шарт-шароитлар яратилди. Парталардан тортиб, шкаф, стол-стул ва компьютер жиҳозларигача тўлиқ янгиланди.

Мактабда синфхоналар етарли бўлса-да, тўғрақлар фаолияти учун махсус хоналарнинг тўлиқ эмаслиги долзарб муаммолардан бири эди. Бу масала эндиликда ўз ечимини топмоқда. Жаҳон банки томонидан ажратилган 3 миллиард 70 миллион сўм ҳисобидан 240 ўринли қўшимча ўқув биноси қурилиши бошланди.

— Ҳар бир таъмирланган синфхонада замонавий визуал воситалар, фанларга мос расмлар ва макетлар жойлаштирилмоқда. Айрим синфларга электрон доскалар ўрнатилляпти. Бу ўзгаришлар

МАКТАБЛАР ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАЙЁР(МИ?)



1 миллиард 200 миллион сўм маблаг ажратилиб, мактабнинг ташқи фасади, эшик-ромлари ва пол қопламалари янгиланди. Ушбу ўзгаришлар мактабга нафақат кўркамлик, балки замонавийлик бағишлади.

Ёпиқ спорт залидаги шарт-шароитларнинг етарли эмаслиги жисмоний тарбия дарсларини тўлиқ олиб бориш

га тўққинлик қилаётганди. Бу муаммо ҳам ҳал этилди. Жаҳон банки маблаг ҳисобидан мактаб ҳовлисида очик турдаги спорт майдончаси қурилиши бошланди. Жорий йилнинг янги ўқув даври бошланиши арафасида стадион ўқувчилар ихтиёрига топширилиши кутилмоқда.

Мактаб директори **Фурқатжон Мусаев**нинг таъкидлашича, янги ўқув йилига тайёргарлик жараёнида нафақат таъмирлаш ишларига, балки умумий эстетик муҳитни

яратишга ҳам эътибор қаратилмоқда. Жорий йилги тайёргарлик одатдагидек фақат синфларни оқлаш ва тозалаш билан чекланмади. Ҳар бир синф пардалари янгиланди, ёриткичлар замонавийсига алмаштирилди. Ҳатто синфхоналар деворлари ўқувчилар дидига мос ҳолатга келтирилди.

Қўштепа туманининг энг чека худудларидан бири — Олмазор қишлоғидаги 25-умумий ўрта таълим мактаби ҳали ҳам замонавий таълим шароитларидан узок. 195 ўринга мўлжалланган муассасада 800 нафар ўқувчи билим олмақда. Таълим муҳити талаб этилган стандартларга тўла жавоб берапти дейиш биров мушкул. Хусусан, 11 та синфхона мавжуд бўлиб, уларнинг ҳеч бири тўлиқ ўқувчини сиғдира олмади. Хоналар тор, вентиляция тизими етарли эмас, базиларда ёруғлик етишмайди.

Мактаб жамоасининг “Ташаббусли бюджет” лойиҳасида иштирок этиши ҳам самара бермади. Сабаби Олмазор қишлоғида бор-йўғи 700 нафар аҳоли яшайди. Бу эса овоз бериш жараёнида мактаб лойиҳаси бўйича етарли овоз тўплаш имкониятини чеклади.

2018 йили “Обод қишлоқ” дастури асосида мактабда қисман таъмирлаш ишлари бажарилди — пол, шифт, эшик

ва деразалар янгиланди. Аммо асосий муаммолардан бири бўлган ўқув жиҳозларининг етишмаслиги ва фан хоналарининг йўқлиги ҳали ҳам ечимсиз қолмоқда.

— Ҳар йили қайсидир мактабдан эски парта, стол ва стуллар келтирилади. Ўқувчиларимизга етарли шарт-шароитлар яратиш учун эса таълим масканимиз янгиланишларга муҳтож. Улар ҳам бошқалар каби кенг, ёруғ, шимам синфхоналарда, замонавий компьютер ва визуал воситалар билан таълим олишга ҳақли. Аммо олмасзорлик болалар тор хоналарда, эски парта ва мебеллар билан “жиҳозланган”, билим олиш имконияти чекланган шароитларда ўқийляпти, — дейди мактаб директори **Акмалжон Қодиров**.

Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Қўштепа туманида таълим соҳасига бўлган эътибор йил сайин ўзгаришларга юз тутаяпти. Мактабларнинг моддий-техник базасини яхшилаш, ўқитувчиларнинг салоҳиятини ошириш ва жамоатчиликни жалб этиш орқали янги ўқув йилини юксак савияда қарши олишга ҳаракат қилинмоқда. Аммо ҳали ечимини қўтиб турган жиҳидий муаммолар ҳам йўқ эмас. Урганишлар давомида айрим мактабларда интернет тезлиги пастлиги, синфхоналар қишда етарли даражада иситилмаслиги, ҳатто айрим фанлардан ўқитувчилар етишмаслиги маълум бўлди.

Бугунги ёшларимиз ўз олдида шунчаки савод чиқаришни эмас, балки дунё билан тенг кадам ташлашни мақсад қилиб қўйган. Бу эса мактабларнинг фақат таълим маскани сифатида эмас, балки имкониятлар эшигини очадиган маскан сифатида янги-ча қарашни талаб этмоқда.

Дунё ўзгармоқда, технология ривожланмоқда, таълимдаги рақобат эса чегара билмайди. Шундай бир пайтда, мактабларни замонавий синфхоналар, юқори тезликдаги интернет, фан лабораториялари ва илгор методикалар билан таъминлаш — бу энди ихтиёрий эмас, балки замон талаби, мутасаддиларнинг фарзандларимиз келажагига бўлган масъулияти ва жавобгарлиги ҳамдир.

Муаттар САМҲУДОВА.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ “ИССИҚЛИКТАЪМИНОТИ” МЧЖ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Фарғона вилояти иқтисодиёт ва молия бош бошқармасининг 2025 йил 17 июлдаги 01/21-17/4914-сонли хулосасига асосан, 2025 йил 1 октябрдан бошлаб иссиқлик таъминотида янги қийматлар белгиланди. Унга кўра,
Ягона улғуржи тариф:
ҚҚСсиз — 290458,9 сўм 1 Гкал учун;
ҚҚС билан — 325313,9 сўм 1 Гкал учун.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ “ИССИҚЛИКТАЪМИНОТИ” МЧЖ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Фарғона вилояти иқтисодиёт ва молия бош бошқармасининг 2025 йил 17 июлдаги 01/21-17/4914-сонли хулосасига асосан, 2025 йил 1 августдан бошлаб янги қийматлар қўйдағича:
Ягона улғуржи тариф:
ҚҚСсиз — 290458,9 сўм 1 Гкал учун;
ҚҚС билан — 325313,9 сўм 1 Гкал учун.

Фарғона вилоят ички ишлар бошқармаси томонидан 2023 йил март ойида Азизжон Мирзаматов номига берилган 6661-рақамли нафақа ғувоҳномаси йўқолганиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Қува тумани, Гулшан кўчасида жойлашган “Mexri tug turfa gulshan” фермер ҳўжалигига тегишли думалоқ муҳр ва тўртбурчак тамга йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Олтиариқ тумани, “Қизилтепа” МФЙ, Сихаттоҳ кўчаси, 23-уйда жойлашган “Xusnishox Oltariq” МЧЖга тегишли бўлган думалоқ муҳр ва тўртбурчак тамга йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошлоқ тумани, “Қанжика” МФЙ, Ёшлар кўчаси, 43-уйда жойлашган УТТ “Zulhimmor O'g'monova Mashrabovna”га тегишли бўлган думалоқ муҳр ва тўртбурчак тамга йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тушуниш
хақида
ўйлар

Неъматилла Иброҳимов устоз Эркин Воҳидовни шундай хотирлайди: “Эркин ака ҳар йили Озарбайжон ва Туркияда ўтказиладиган фузулийхонлик тадбирларида қатнашиб турарди. Истанбулда ўтказилган ана шундай йигинларнинг бирида эронлик, озарбайжонлик ва туркияликлар Фузулийни ўзлариники, деб бир-бирлари билан баҳслашиб турганларида Эркин ака бу улуг қалам соҳибининг “Лайли ва Мажнун”ини ёддан ўқиб берганлар. Ҳайбат аъзолари бир овоздан: “Бўлди, бўлди, Фузулий сизларники экан”, деб ғолибликни ўзбек шоирига топширишган. Яна бир гап. Қибрайдаги боғимизда ҳам тез-тез ғазалхонлик кечалари бўлиб турарди. Аиниқса, Саудлар Арабистонида истикомат қилувчи ватандошларимиз Сафохон тўра, Аъзамхон қори ака, Мелибий ака, Мўминжон ака ва бошқалар келишганида, биз уларни боғимизга таклиф қилар эдик. Бу мажлисларда Эркин ака, Шамсуд-

ди оқармайди.

Навоий бобо умрини шу буюк ҳақиқатга бағишлади. Буни ҳеч ким инкор этмайди, аммо, бошқа даврларни қўя турайлик, Навоий яшаган даврнинг ўзи бу мўътабар зотни тушундими, қалбига, орзу-ниятларига қулоқ тутдими? Йўқ, тутмади. Тутганида эди, “Хазойин ул-маоний” асари дебочасидан бундай оҳ-нолали сатрлар жой олмаган бўларди: “Олдимга онча душворликлар юзланди ва теграмда онча саъб гирифторликлар айланди ва бошимга сипехр онча боло тошларини отди ва ишқ сипоҳининг лагаб-куби (тепки, зарбалари) заиф пайкарим билан сўнгакларимни онча оёқ остида ушотдимки, не ўзимдан хабарим, не ўзлугим била ўзимдин асар қолди”.


Ён дафтаримда “Агар инсон бир-бирини тушунганида эди, бу дунёда яшаш янада завқли, марокли бўларди”, деган ёзув бор. Ўзимга келган фикрми ё бирор китобда ўқиганманми – аниқ айта олмай-

бўлиб, ҳалигача топилган эмас. Серж ва Анна Беверижлар Бобур Мирзо ҳақидаги тарихий, бадий асарлар, қиссалар, хотиралар, ҳужжат, ҳикоят ва ривоятларни, кутубхоналарда, шахсий архивларда сақланаётган қўлёзмаларни ўқиб, бир-бирига солиштириб, ўша йўқолган ўн саккиз йиллик ёзувларни “Бобурнома” қандай у ёзилган бўлса, худди шундай услубда мантиқан тиклашди! Бугун кўп ижодкорлар эрталаб қоғозга туширган ижод намунасини ёддан эмас, телефонга қараб ўқиётган бир пайтда бундай фидойиликни белгилайдиган ўлчов борми ўзи.

Савол туғилади. Беверижлар нега шундай қилишди? Пароходдан келаётган даромад етарли эди, “Бобурнома”ни инглиз кутубхоналарида ўтириб ҳам ўрганса бўларди-ку? Бунинг аниқ сабабини айтиш қийин, аммо тахмин қилиш мумкин. Уларни “Шундай ноёб истеъдод эгаси, илми ҳавас қилгулик олим, оилапарвар инсон, нозик табиатли

кашлар, нокаслар олдида хорлик ва бейътиборлик кўргани ҳақида ёзади. “Лисон ут-тайр”да бу саволга жавоб топгандай бўламиз: “Ўн саккиз минг оламни яратган Худо “Тонгни оппоқ ранг билан ёритди, шомни мушқин қора либосга ўради. Қўшни кундузи порлатиб, Ойни кечанинг шамига айлантирди... Сўзни оловга душман қилди, шамолни тупроққа зид қилди. Яратувчининг қудрати билан айни шу бир-бирига зид тўрт нарса инсон вужудида бир бутун ҳолда бирлашди...”

Тушунилмаган фақат Навоий эмас, Машраб ё Бобур Мирзо эмас. Халқимизнинг ҳар бир бўғин алломалари, олимлар, ижодкор зиёлилари орасида тушунилганлардан кўра тушунилмаганлар кўп. Жамият шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуфни тушуниши учун қанча вақт керак бўлди. Эркин Воҳидовнинг “Ўзбегим” қасидаси муаллиф

УМР – ИККИ ҚИСҚА
ЧИЗИҚ ОРАСИ

(Бошланиши 1-бетда).

Устознинг қоллари чимирилди, аммо сир бой бермай, пиёла, чойнак, ликопча, лаган, тоғора, қозон, чўмич, қошиқ ва бошқа шу кабиларни араблар бир неча лаҳжаларда нима дейишларини, меҳмондорчилик, дастурхонга таом тортиш ўдумларини батафсил сўзлаб бергач, савол берган кишига қараб:

– Биродар, сизга шу маълумотлар керакми ўзи? – дедилар ранжиб.


Алихонтўра тирик ҳазина эди. Бир неча тилларни мукамал биларди у зот. Афсуски, биз у кишидан кўп нарсаларни сўрамадик. Мана энди афсусдамиз, аммо фойдаси йўқ...”

Китоблардан бирида ўқиганман: “Сўхбати ошӣқ сени ошӣқ қилур, сўхбати фосӣқ сени фосӣқ қилур”.

Хўб, дейман ўзимга ўзим, Алихонтўрадек улуг аллома билан замондош бўлибмиз, бир муддат бирга яшабмиз, тенгма-тенг нафас олибмиз, бир дастурхонда таомланибмиз, аммо у кишининг уммон янглиғ илмидан баҳраманд бўлмабмиз-да! Эҳтимол истихоло қилгандирмиз, салобатлари босгандир?

Шундоқ деб ўзимизни овутмоқчи бўламиз, лекин илмий, техний, маънавий кемтик жойларимизни тўлдиришга, содда-сўтаклигимизни ёпишга қодир бошқа алломалар ҳам бор эди-ку? Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуфдан сўрадикми? Алибек Рустамий, Ғайбулла ас-Салом, Эркин Воҳидов, Нажмиддин Комилов, Ботурхон Валихўжаев каби устозлардан-чи? Бугунги ёшлар Қори Ниёзий, Ҳабиб Абдуллаев, Иззат Султон, Абдуқодир Ҳайитметов, Сўйима Ғаниева, Пўлат Ҳабибуллаев каби салмоқли олимларимизни нечоғли билишади?

1973 йили ЎзМУнинг журналистика факультетини битираётиб, диплом иши ёзиш учун ҳозирги Бишкек шаҳрига бориб, Чингиз Айтматов билан учрашганман. Бу улуг инсон мендан машҳур хонанда Ботир Зокировни сўраб қолди, “Яхши юрибдим, зўр овози бор-да, биз томонларга келмай қўйди”, деди. Ўнғайсизланиб бўлса-да, вафот этганини айтдим. Адиб афсусланиб, “Яхши одамларни йўқотганимиздан кейин улуглаймиз-да, укажон”, деди.




дин Бобохонов, Абдулазиз Мансур, муфтий Усмонхон Алимов, марғилонлик Осимхон ака, таниқли санъаткорлар иштирок этишарди. Шундай кечаларнинг бирида Фузулий ва Навоий ғазалларининг тахлилига бағишланган баҳс қизиб кетиб, тонг ёриша бошлаганини сезмай қолибмиз. Бу дилбар сўхбат тасвирга олинмаганидан Шайх Абдулазиз Мансур, муфтий Усмонхон ака, ҳаммамиз анчагача афсусланиб юрдик... Қиёматли акам Эркин Воҳидов билан ўтган даврларим, сермазун сўхбатларимиз ҳаётимнинг энг тотли, қиёсسى лаҳзалари эди”.

Қизиқ одатимиз бор-да: олдимизда ким турганига унча эътибор бермаймиз, шовуллаб оқаётган дарёни сезмаймиз, шоҳлар йиллар давомида жон ва қон билан тўплаган ҳазина янглиғ маънавий бойликнинг олдиндан бепарво ўтиб кетамиз. Ушбу сатрлар қоғозга тушаётганида интернетда ғаройиб хабар тарқалди. Франциялик фермер Мишел Юнонга тегишли ер участкасидан 4 миллиард долларлик олтин топилган. Фермер ҳазина топилган жойдан ҳар куни бир эмас, бир неча марта ўтган, аммо шунча бойлик ерда ётгани ҳаёлига ҳам келмаган. Чингиз Айтматовнинг “Жамила” киссаси француз тилида эълон қилингач, машҳур бўлди.

Эътиборсизлик ёмон иллат. У боис, инсоният кўп ҳолларда фермер Мишел топган ҳазинадан ҳам кўп бойликдан жудо бўлади. Бунинг сабаби – бағрикенг эмасмиз, хатоларни мардона тан олмаймиз, узр сўрамаймиз, қалб кўзимиз очилмаган. Менинг фикрим тўғри, бошқаларники нотўғри деган ўй вужудимизни эгallaб олган.

Неча асрларки, улуг мутафаккир, ғазал мулкининг султони Алишер Навоий бобомизнинг инсониятни эъзулик, одабийлик, меҳр-оқибатга даъват этувчи асарлари севиб ўқиладди. Навоийшунсо олимлар бу буюк хазинани тадқиқ этар эканлар, уни ўқиб англаймизки, адолат, ҳақиқат, имон, эътиқод, эъзулик каби фазилатларсиз қомил инсонни, қомил жамиятни, халқпарвар давлатни тасаввур қилиш қийин. Ҳар қандай адолатсизлик, ҳақсизлик жамият ривожига, тинч-тотув ҳаётга, аҳил-иноқлик йўлига тўсиқ бўлади, адолат чироғи ёниб, чор-атрофга шуъла таратиб турмаган жойда улғайиш бўлмайди, эл-улуснинг пешона-




ман. Аммо инсон тушуниш мумкин бўлган оддий нарсаларни нега тушунмайди, қўриблиб турса ҳам, ўзини кўрмагандай, билмагандай тутати, ҳис этган нарсаларини эътироф этишга журъати етмайди, аксинча, бошқаларнинг ютуғини қўриб, фитна, ҳасад, игво йўлига ўтади, нега шундай қилади, деган саволлар қийнайди. Балхга борса, Маҳмудхон дорга осишини билса ҳам, йўлидан қайтмаган Бобораҳим Машраб қачон тушунилган? Ибн Синони тушуниш осон бўлганми? Бобур Мирзони-чи? Насимини-чи?

Дорга осилган яна бир аллома Мансур Халлоҷ эди. Уни ҳам тушунмадилар, уни биринчилардан бўлиб, франциялик олим Луи Массиньон тушунди. У шайх Фаридуддин Атторнинг “Тазкират ул-авлиё” китобини ўқигач, бутун умрини Халлоҷни ўрганиш, тушунишга бағишлади. Япониялик олим Эйжи Мано ўзини бобуршуносликда кўрсатди. Америкалик олим Юрий Брегел ўттиз йилдан ортиқ вақт сарфлаб, Мунис ва Ғоҳий қаламига мансуб “Фирдавс ул-иқбол” асарининг танқидий матнини тайёрлади. “Бу аллома фалон миллатники, фалон юртга тегишли”, деган гап чикмади.

Адабиётшунос олим Зухридин Исомидиновдан эшитдим. XIX асрда инглиз эрхотин Серж ва Анна Беверижлар шарқдан чиққан буюк алломалар ҳаёти ва ижоди-га қизиқиб, Заҳириддин Муҳаммад Бобур қаламига мансуб “Бобурнома”ни ўқиб, ўз юртидан қувилган шоир ҳаёти ва ижоди-га қизиқиб қолишадди. Бу қизиқиш шу даражага етadики, оиланинг ягона мулки бўлган пароходни сотиб, пулини белга туғиб, машаққатли ижодий сафарга чиқишди. “Бобурнома”да муаллиф “Фалон йилнинг фалон кунда фалон жойда бўлдим”, деб ёзган бўлса, айни шу сана, шу вақтда — тонгда, кундузи ёки кечкурон эр-хотин ўша ерда, ҳозир бўлишадди. Икки заҳматкаш олим умрларининг охиригача шох ва шоир, саркарда ва олим изидан юриб, асарда тасвирланган турфа хил воқеа-ходисалар, қақшатиқчи жанглар, ғалаба ва мағлубият, садоқат ва сотқинлик каби ҳолатларни диддан ҳис этиб, асарни инглиз тилига ўғиришадди. Шу заҳматли изланишдан ҳаловат топишади. “Бобурнома” иккинчи марта инглиз тилида чоп этилади.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Маълумки, “Бобурнома” 36 йиллик воқеъларни ўз ичига олади. Аммо қўлёзмининг ўн саккиз йилга бағишланган саҳифалари изсиз йўқолган



шоир, тилшунос, “Хати бобурий”нинг муаллифи нега ватанига сиймай қолди экан?”, деган савол қийнаган бўлса керак?


Уйлаб қоласан. Инсонни тушуниш, Румий ҳазратлари айтганидек, бу дунё неъматларини ўзаро баҳам қўриб яшаш, улуг муаллим Конфуций ўқдирганидек, ўзингга раво кўрган нарсаларни бошқаларга ҳам раво қўриш, шу оддий инсоний фазилатсиз дунё ҳеч қачон адолат қасри бўлолмаслигини англаш, тушуниш наҳотки иложсиз сир, ечилмас тугун бўлса?

Бундан соддароқ мисолларга ўтайлик. Истиқолнинг дастлабки кезларида бир гуруҳ табдиркорлар иш ўрганиш учун Хитойга боришади. Ўзбекистонни кўрмаган, билмаган мезбонлардан бири қизиқиб, “Мамлакатингиз каттами, қанча одам яшайди?”, деб сўрайди. Мезбонлар “Иигирма миллион киши”, дейишади “Иигирма” сўзига ургу бериб. Мезбонлар хайрон бўлиб, аввалига бир-бирларига маъноли қарашади, киши билмас жилмайишади ҳам, сўнг битта ўзимиздаги қувларга ўшагани: “Яхши экан, ҳар куни ҳамманглар бир-бирларингни қўриб турсанглар керак-а?” дейди...

Аслида-чи? Бир шаҳар, бир туман, бир қишлоқ, бир маҳалла, бир “дом”да ўттиз-қирқ йил, бундан-да кўп муддат бирга яшаб, бир жамоада ишлаб, бирга сафар қилиб, бир-бирларини билмаган, эрталабки тўй ошларида узокроқда туриб, шунчаки умумий имолашишни айтмаса, бошқа кўришмаган, сўхбатдош бўлмаган одамлар ҳам борлигини кимга айтасиз? Нима деб айтасиз? Эркин Воҳидовдан ўқийсизми? — “Замон тез, фурсат оз, ҳар лаҳза зикдир, Ҳар лаҳза зиклиги билан қизикдир. Ҳаёт йўли надир? — Қабр тошида Икки сана аро қисқа чизикдир”.

Бу тўрт қатор шеърдан орттириб, яна нима дейиш мумкин? Бу саволга ҳам шоирнинг ўзи жавоб беради: “Умримиз алдоқ жаҳонда, алданиб ўтгай, ва лек, Сўнгги қийнолгон ёмондир, сўнгги қийнолгон ёмон”.

Навоий ҳазратларига қайтамиз. Бу улуг зот “Мухокамат ул-луғатайн”да роҳату заҳмат билан қоришиб кетган умр йўллари ҳақида ёзар экан, бу йўл бир текис кечмагани, ҳақорат ва машаққат вайроналарида дод солиб йиллагани, яраштириш ниятида уртгага тушиб, тўхматга қолгани, илм мадрасаларида қовуш қаторида ер тутгани, уламо мажлисларида илм нуридан кўнглини ёритгани, тақводорлар мажлисларида улар қадами етган ерга юз қўйгани, саждадан пешона териси шилингани, паст-



номини туркий дунёга танитди, хорижда қолиб кетган минглаб ватандошлар уни ёд олишди, Ватан соғинчи азобини шу қасидага қўллашиб, биргаликда ўқши билан босишди.

Абдулла Орифнинг “Ўзбекистон” қасидаси ҳам шундай шарафга эга бўлди. Қасида-ю, шеър қанот қоқиб, кўкларга парвоз қилди, уларнинг муаллифлари эса катта идорага қақирлиб, фиркавий зуғумнинг зўрига дуч келишди. Рауф Парфи “Шеър — кундузи қўрилган туш”, деб ёзди. Ҳалима Худойбердиева Ватан байроғи иморатлар пештоқидан аввал миллат қайғусидаги ҳар юракда хилпираб турсин, деди. Исёнкор қалб эгаси сифатида шу талабга ўзи қатъий амал қилди. Шавкат Раҳмон туркий дунё билригини орзулаб яшади. Муҳаммад Юсуф ўзбекнинг дўпписи, тандири-ю, бедозорини улуглади. Биз уларни энди-энди тушунмоқдамиз. Донишманд Ошо “Эшитмоқ ва тингламоқ (тушунмоқ) Худо қасри сари йўлдир” дейди. Биз бу йўлда бормизми, ёшларни қўя турайлик, ҳали вақт бор, биз — катта ёшлилар ҳозир тушунишнинг қайси бекатидамиз?

Театр ва кино саҳнасида бемисл муваффақиятларга эришган Римма Аҳмедова ҳаётининг сўнгги кунлари қровати ёнида мўлтираб ўтириб, Худога илтижо қилаётган мухлисаси Иқбол Қўшшаевага бошига не душворликларни солган кишиларнинг ҳаммасини кечиргани, кўнглида кек қолмаганини айтиб, “Қизим, улар учун ҳам ибодат қилайлик, кўнглини тозалайлик”, дегани ёдга тушади. Кўнглини тозалаш нима? — унинг қирланиб, чанг босиб кетмаслиги учун ҳар қандай ҳолатда ҳам адолатли бўлиши, бу оддий фазилат кечадан бугунга, бугундан эртага қолмаслиги зарур эмасми?!

Ҳаёт қархи айланишда давом этар экан, яхшилик ва ёмонлик, ёруғлик ва зулмат, адолат ва зулм ҳаммаша ёнма-ён юради. Инсон шу мураккаб жараёнда яшайди, қурашади, умргузаронлик қилади ва, албатта, бир-бирини англайди, бир-бирини танийди, шундоққина ёнида турган инсонга қутилимаганда хайрат кўзи билан қарайди. Уни танийди, аммо ўзини танитай қолади, чунки вақт эътироф этилмаган, тан олинмаган, баҳоланмаган, қадрланмаган не-не ҳақиқатларни кечиккан тазарру кўзгусига олиб чиқади.

Неъматулла Иброҳимов ҳақида ёзишга чоғланар эканман, шу мулоҳазалар кўнглимдан ўтди...

Ўзимга ўсим савол бердим: Биз замонамизнинг етук билимдони, аллома ва академик Неъматулла Иброҳимовнинг Шарқ мамлакатлари адабиёти, сиёсатида доир илмий тафаккур мевааларидан етарлича баҳраманд бўляпмизми?

МУАССИС: "Farg'ona haqiqati" va "Ferganskaya pravda" gazetaları tahririyati	2021 йил 18 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган. Индекс: 7521.	Газета "Zakovat nashriyot uyi" МЧЖ босмахонасида тахририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида А-2 формат (4 саҳифа)да чоп этилди. Босмахона манзили: Наманган вилояти, Косонсой шаҳар, Чорбоғ кўчаси, 17. Буюртма: 11777.	Бизнинг манзил: 150114, Фарғона шаҳар, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй.
			Телефонлар: 94 390-19-51, 93 370-07-14
			Саҳифаловчи: Алишер Розиков.
Бош муҳаррир: Рустам ОРИПОВ	Газета жума кунни чиқади. Адади: 2068 нусха.	★ Баҳоеси келишилган нархда. ★ Навбатчи муҳаррир: Абдужалил Бобожонов.	Босингга топириш вақти: 16.00. Топирилди: 15.30.